

Туман ҳокими, 1-сектор раҳбари Жаҳонгир Жумановнинг навбатдаги фуқаролар қабули бўлиб ўтди

Қабулга 40 га яқин фуқаролар ташриф буюриб, ички йўлларни асфалтлаш, уй таъмири, ОТМ контракт тўлови, сув, газ, электр таъминоти билан боғлиқ масалаларда туман раҳбарига мурожаат қилишди.

Эшон қишлоғида яшовчи Ш.Шодиеванинг уй жой кадастр паспорти билан боғлиқ масала ҳал этилди. Катта янги фуқаролар йиғинидан келган Ё.Носированинг иш масаласида қилган мурожаати қисқа вақт ичida ижобий ечимини топди.

Ардахшон маҳалла фуқаролар йиғинидан келган Дилноза Насриддинованинг 2 ёшгача болалар нафақаси тайинланиши билан боғлиқ мурожаати яқин соатлар ичida ижобий ҳал этилди.

Туман ҳокими бошчилигига ўтган навбатдаги қабулда 35 та мурожаат келиб тушди. Шу куннинг ўзида 6 та мурожаат ўз ечимини топган бўлса, қолган мурожаатлар тегишшлилиги бўйича ижро учун масъулларга йўналтирилиб, назорат ўрнатилди.

Бугунги қабулда туман ҳокими ўринбосарлари, ҳалқ қабулхонаси, туман кенгashi депутатлари, корхона ва ташкилотлар, маҳалла фуқаролар раислари иштирок этдилар.

2021-12-07 23:50:47